

**КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ КЎПАЙТИРИШ КЎЧАТЗОРИДАН  
ОЛИНГАН ЮҚОРИ АВЛОДЛИ УРУҒЛИКЛАРИ ДОННИНГ СИФАТ  
КЎРСАТГИЧЛАРИ**

**Мирзакаримова Санамхон**

*Дон ва дуккакли экинлар  
илмий тадқиқот институти  
илмий ходими*

**Аннотация:** *Кузги буғдойни экиш меъёри уруғликнинг сифат ҳамда экиш шароитига қараб 200-250 кг/га бўлиши керак. Кузги буғдой экиш чуқурлиги, унинг совуққа чидамли бўлишида катта аҳамиятга эга. Уруғ чуқурроқ экилганда тупланиш бўғини ҳам чуқурроқ жойлашади. Кузги – қишги совуқлар пояларга таъсир қилган вақтда ҳам тупланиш бўғинига таъсир қилмаса, ўсимлик нобуд бўлмайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда кузги буғдойнинг уруғи экиш вақтида 6-7 см га, лалми ерларда эрта экилганда эса 6-8 см га кўмилиши керак. Ушбу мақолада тажриба даласи тупроғи ўрганилиб, буғдой кучатзорлари ташкил этилган ва экиб ўрганилган.*

**Калит сўзлар:** *най ўраш даври, қорақуя ва фузариоз, доннинг тўлиш ва сут пишиш фазалари, тупроқларида ҳосилдорлик, юқори меъёр, экиш меъри*

**Абстрактный:** *Норма посева озимой пшеницы должна составлять 200-250 ц/га в зависимости от качества семян и условий посева. Большое значение в ее устойчивости к холодам имеет глубина посева озимой пшеницы. Чем глубже посажено семя, тем глубже будет сустав. Даже когда осенне-зимние морозы поражают стебли, если они не поражают сустав, растение не погибнет. Учитывая это, семена озимой пшеницы при посадке следует заглублять на 6-7 см, а при раннем посеве в засушливых землях - на 6-8 см. В данной статье изучена почва опытного поля, а также интенсивные по пшенице участки. установили и посадили.*

**Ключевые слова:** *Период валкования, мучнистая роса и фузариоз, фазы налива и созревания зерна, плодородие почвы, высокая норма, норма посева*

**Abstract:** *The rate of planting winter wheat should be 200-250 kg/ha, depending on the quality of the seed and planting conditions. The depth of planting winter wheat is of great importance in its resistance to cold. The deeper the seed is planted, the deeper the joint will be. Even when the autumn-winter frosts affect the stems, if they do not affect the joint, the plant will not die. Taking this into account, the seeds of winter wheat should be buried 6-7 cm during planting, and 6-8 cm when sowing early in dry lands. In this article, the soil of the experimental field was studied, and wheat intensive plots were established and planted.*

**Key words:** *The period of windrowing, powdery mildew and fusarium, grain filling and ripening phases, soil fertility, high rate, planting rate*

## КИРИШ

Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши билан биргаликда барча қишлоқ хўжалик махсулотлари қаторида дон махсулотларига ҳам бўлган талабнинг ортиб бориши таъбий. Бу муаммони ижобий хал этишнинг энг мақбул усулларида бири ҳосилдор, дон сифати юқори, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли дон экинларининг янги навларини яратишдир.

Бугунги кунда дунёда 10 та мамлакат буғдой дони ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилмоқда. Улар: Хитой 134,35 млн. тонна, Ҳиндистон 98,51 млн. тонна, Россия 85,86 млн. тонна, АҚШ 47,37 млн. тонна, Франция 36,42 млн. тонна, Австралия 31,81 млн. тонна, Канада 29,98 млн. тонна, Покистон 26,67 млн. тонна, Германия 24,48 млн. тонна ни ташкил этади.

Мамлакатимизда 1991 йилда 1млн. тоннага яқинроқ ғалла ҳосили етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 8 млн. тоннадан ортиқроқни ташкил этди. Гектаридан олинган хосилдорлик ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, суғориладиган майдонлардан 1991 йилда ўртача 12 центнердан ҳосил олинган бўлса, 2020 йилда Республикаимизда 1 млн 77 минг гектардан зиёд майдонда бошоқли дон экинлари экилган бўлиб, 6 млн 400 минг тоннадан ортиқ ҳосил олиниб, Республикада гектаридан олинган ўртача хосилдорлик 57,5 центнерга тенг бўлди.

Республикаимиз суғориладиган шароитларига мос, дон ҳосили ҳамда сифати юқори бўлган кузги юмшоқ буғдойнинг янги навларни яқка танлаш ҳамда дурагайлаш асосида яратиш, янги яратилган кузги юмшоқ буғдой навларини бошланғич уруғчилини илмий асосда ташкил этиш.

Ўрганилган белги ва хусусиятлари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган селекцион ашёларни синаш асосида юқори ва сифатли дон ҳосили берадиган занг касалликларига чидамли бўлган юмшоқ буғдой нав ва дурагайларини яратиш;

Кузги буғдой нав ва дурагай тизмаларини рақобатли нав синаш кўчатзорини ташкил этиш;

Тадқиқотларнинг ўрганилиши. Тадқиқотлар давомида яратилган юқори ва сифатли дон ҳосили беридиган кузги юмшоқ буғдой навларининг бошланғич уруғчилик тизимини илмий асосда ташкил этиш.

Б. Холиқов, А. Иминов ва Ф. Якубовлар олиб борган тажрибалар шуни кўрсатдики, кузги буғдойни узоқ йиллар давомида бир далада муттасил етиштирилиши натижасида унинг дон ҳосилдорлиги ўғитлар тури ва миқдоридан қатъий назар йиллар ўтиши билан камайиб боради. Чунки, кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишда алмашлаб экишнинг ўрни беқиёсдир. [1; 24-25 б]

Р. Ишмухаммедованинг кузатувларига кўра, кузги буғдойнинг Чиллаки нави 15 октябрда экилганда тажриба шароитида қўлланилган НПК меъёрларига

мутаносиб ҳолда, 5-11 майда, 1 ноябрда экилганда 9-17 майда, 15 ноябрда экилганда 15-21 майда пишиб етилиши кузатилди. . [4; 15-16 б]

Кузги буғдой ернинг унумдорлигига талабчан бўлади. Режалаштирилган ҳосилни олиш учун ерга солинадиган ўғитлар меъёри агрокимёвий картограмма маълумотларига асосан ерлардан ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалар, экин ўзлаштирадиган озиқ элементлар ва ерга солинган ўғит миқдорига қараб аниқланади. Кузги буғдой азотга жуда талабчан бўлади. У най ўраш ва бошоқланиш даврида азотни, ўсишнинг дастлабки 1-5-хафтасида фосфорни ва ўсув даврининг бошидан гуллагунга қадар, калийни кўп талаб қилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойнинг қишга чидамлилигини оширади, доннинг етилишини тезлаштиради. Поянинг ётиб қолишидан ва турли замбуруғ касалликларидан сақлайди. Кўп миқдорда азотли ўғитлар солинганда тупланиш муддати узайиб, поялардаги бошоқлар бир вақтда етилмайди. Ўзбекистон Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маълумотларига қараганда кузги донли экинларга суғориладиган ерларда қуйидаги миқдорда ўғит берилиши керак: азот – 180 кг/га, фосфор — 90 ва калий 60 кг/га. Лекин, унумдорлиги паст бўлган тупроқларда бу миқдор 10-15% га кўпайтирилади. Кўрсатилган йиллик миқдор бир неча муддатларда — экишдан олдин ва ўсимликларнинг ўсиш даврида озиқлантиришда берилади. Суғориладиган ерларда экишдан олдин 30 кг/га азот, 90 кг/га фосфор ва 60 кг/га калий берилади. Шу билан бир вақтда гектарига 10-12 т/ га гўнг солинади. Экиш даврида ўғит солинмаган майдонларда азот, фосфор ва калий қисқа муддат ичида экишдан кейин ёки майса ҳосил қилганда, умуман ўғитлар феврал ойидан кечиктирилмасдан солиниши керак. қолган ўғитларни тенг иккига бўлиб, икки марта озиқлантиришда солинади. Биринчи озиқлантириш эргаги муддатларда, яъни; ўсимликларнинг тупланиш даврида берилиши керак. Бу муддат ўсимликларнинг ривожланишига қараб кузги-қишки ёки қишки-бахори муддатларга тўғри келиши мумкин. Иккинчи озиқлантириш ўсимликларнинг най ўраш даврига тўғри келади. Озиқлантиришдан кейин майдонларни суғориш запп. Ўғитларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни оптимал муддатларда, юқори сифатли ўтказиш зарур.

Экиш муддати. Кузги буғдойни мақбул муддатларда экиш катта аҳамиятга эга. Кузги буғдойни суғориладиган ерларда лалми ерларга нисбатан эртаги муддатларда экиш керак. Чунки бундай ерлар сув билан таъминланган бўлиб йпйғ экилгандан сўнг, суғориш натижасида майсаларни ундириб олиш мумкин. Эртаги муддатларда экилган буғдой кузда майса ҳосил қилади, совуқ тушгунга қадар ўсимликлар тупланиб улгуради. Бундай ўсимликлар совуққа чидамли бўлади.Шунинг учун кузда буғдойнинг октябр ойида майсаланиши ва октябр, ноябр ойларининг охиригача тупланиш ва шу ривожланиш даврида қишлаши кўзда тутилиши керак.

Сифатли уруғлик юқори ҳосил етиштиришда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади, уруғлик буғдой юқори ҳосилли уруғлик участкаларидан олинади. Асосан йирик, оғирроқ, текис, қобиғи шикастланмаган ва униб чиқиш даражаси юқори бўлган уруғлар экилади. Экиладиган уруғлик махсус дон тозалаш цехларида тозаланиб, сараланади ва дорилаб қопланади. Сўнгра фермер хўжаликларида дон қабул қилиш шахобчалари орқали тарқатилади. Экиш учун ишлатиладиган буғдой уруғлари давлат андозасига жавоб бериши керак. Бу андоза бўйича 1 класс уруғларнинг унувчанлиги 95% дан паст бўлмаслиги, тозаллиги 99% бўлиши керак. Иккинчи класс уруғларнинг эса унувчанлиги 92% ва тозаллиги 98,5% бўлиши керак. Экиш учун 1 ва 2 класс уруғларни ишлатиш керак. Тозаланган ва сараланган уруғлик экишдан олдин қорақуя ва фузариоз ва бошқа касалликларига қарши давлат руйхатидан ўтган кимёвий воситалар билан дориланади.

Кузги буғдойни экиш меъёри уруғликнинг сифат ҳамда экиш шароитига қараб 200-250 кг/га бўлиши керак. Кузги буғдой экиш чуқурлиги, унинг совуққа чидамли бўлишида катта аҳамиятга эга. Уруғ чуқурроқ экилганда тупланиш бўғини ҳам чуқурроқ жойлашади. Кузги – қишги совуқлар пояларга таъсир қилган вақтда ҳам тупланиш бўғинига таъсир қилмаса, ўсимлик нобуд бўлмайди. Шунинг учун олган ҳолда кузги буғдойнинг уруғи экиш вақтида 6-7 см га, лалми ерларда эрта экилганда эса 6-8 см га кўмилиши керак. Ушбу мақолада тажриба даласи тупроғи ўрганилиб буғдой кучатзорлари экилди.

Тажриба даласининг тупроқ тавсилоти. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти марказий тажриба даласининг тупроқлари ўтлоқи тупроқ бўлиб, сизот суви сўтқи 1,5-2,0 метрни ташкил этади. Тупроқни механик таркиби ўртача қумоқ, тупроқ она жинси аллювиал-пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган Агрокимёвий текширувларни кўрсатишича, тажриба даласи чиринди ҳамда озика элементлари илан яхши таъминланган.

### 1- жадвал

**Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий тавсилоти.**

Т.р	Намуна олинган катлам чуқурлиги, см	Гумус миқдори %	Умумий %			Ҳаракатчан мг/кг		
			Азот	фосфор	калий	N-НО <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
1	0-30	1,72	0,135	0,143	19,0	34,5	200	0-30
2	30-50	1,01	0,084	0,120	15,3	27,8	180	30-50
3	50-70	0,81	0,072	0,090	7,8	15,4	120	50-70
4	70-100	0,24	0,031	0,027	4,2	10,1	80	70-100

**ХУЛОСА**

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тупроқда чиринди ҳайдов қатламида (0-30) 1,72 % тенг, тупроқнинг пастки қатламларига томон сезиларли камайиб борган ва энг чуқурда (70-100см) унинг миқдори 0,24% ташкил этади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1.Холиқов Б, Иминов А, Якубов Ф. Муттасил буғдой етиштирилган далаларда тупроқ унумдорлиги ва дон ҳосилдорлиги// “Агроилм” журнали. Тошкент 2010. 2-сон. 24-25 б.

2.Хошимов И, Ражабов Т. Эрозияланган тақирсимон тупроқларни суғоришни кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири// “Агроилм” журнали. Тошкент 2010. 3-сон. 14-15 б.

3.Халилов Н, Сулайманов О. Кузги буғдой етиштиришда ресурстежамкор технология// “Агроилм” журнали. Тошкент 2012. 3-сон. 21-22 б.

4.Ҳасанова З. Кузги юмшоқ буғдой донинг нонбоплик сифатини унувчанлиги бўйича баҳолаш// “Агроилм” журнали. Тошкент 2014. 4-сон. 25-26 б.

5.[ҳттпс://уза.уз/постс/490336](https://uza.uz/posts/490336)

6.[ҳттпс://хс.уз/узкр/пост/андизхонда-бугдожнинг-эртапишар-нави-яратилди](https://xs.uz/uzkr/post/андизхонда-бугдожнинг-эртапишар-нави-яратилди)

7.<https://www.oqdaryo.uz/ru/node/3371>